

## ОЛИЙ ПЕДАГОГИК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИ МАСАЛАСИ

*Юлдошев Умиджон Юлдошевич*

*ТДПУ доценти, педагогика фанлари*

*бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*[u.yuldoshev@internet.ru](mailto:u.yuldoshev@internet.ru)*

**Аннотация:** Мақолада олий педагогик мусиқа таълими тизимида миллий мақом санъати масаласи, унинг тарихий тенденциялари, ўқув фанлари таркибида мақомларнинг ўрганилиш тамойиллари танқидий таҳлил қилиниб, уларни ўрганишга асос бўла оладиган таклиф ва хулосалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Устоз-шогирд, чолғу туркумлари, мақом, оммалаштириш, ижро услублари, замонавий ёзувлар, шўъба.

Мақом санъатини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисида ижодий тафаккурни бойитиш масаласи кўп жиҳатдан педагогика олий таълим муассасалари “Мусиқа таълими” йўналишида ўқитиладиган “Чолғу ижрочилиги”, “Анъанавий хонандалик”, “Мусиқа тўғарақларини ташкил этиш”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Мусиқа тарихи”, “Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари”нинг объекти саналади.

Бу ўринда дунё халқлари мусиқа адабиёти ва тарихи, айниқса, ўзбек миллий мусиқа услублари, шунингдек мусиқий назарий асослари бўйича тайинли билим бериш нуктаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали анчагинадир. [1.]. Жумладан, мақомлар тарихи ва ривожланиш босқичлари, устоз-шогирд анъаналари асосида мақом асарларини ўргатишнинг методик томонлари, мақомларни ўрганишдаги замонавий технологияларнинг қўлланилиши, мақомларнинг ўзаро алоқалари ва ижро услублари, шунингдек,

ашула ва чолғу туркумларидан кўплаб асарларни ўз ичига олувчи махсус ўқув фанларини жорий қилиш, ўз навбатида уларнинг янгиланган ўқув дастурлари, кўлланмалар, дарсликлар билан таъминлаб бориш долзарб масаладир.

Олий педагогик мусиқа таълими тизимида мақом санъатининг ўрганишилиши масаласида айтиб ўтиш керак-ки, Мақом асослари фани 80-йилларда назарий фан сифатида факултатив соатлар ҳисобида 20 соат миқдорида ўқитилган бўлса, кейинчалик 26 соат маъруза ва 34 соат амалий машғулот сифатида (VII-VIII-семестрлар) IVкурс талабалари учун режалаштирилди [2; 4-б.]. 1990 йиллар ва ундан кейинги даврларда халқимизнинг маънавий кадриятларини тиклаш, унинг чуқур илдизларини ўрганиш ва оммалаштиришга эътибор кучайтирилди, яъни мусиқа педагогикаси тизимида “Мақом синфи” фани соатлари миқдори анча кўпайтирилди. Мазкур фан мусиқа факультетларида 1999-2000-ўқув йилидан бошлаб “Мақом асослари” фанига айлантирилди ва етакчи назарий фанлар қаторига ўтказилиб, I-курсдан IV-курсга қадар 250 соат ҳажмида режалаштирилди, шундан 26 соат маъруза ва 222 соат амалий машғулотдир [3; 5-б.]. 2005 йилга келиб, “Анъанавий хонандалик” фани ўқув режага киритилиб, мақом асарлари яқка машғулот тарзида ўқитилиб келинди. Мақом асослари фанининг шу кунлардаги маъруза соатлари 46 соатга етказилди. 2010 йилдан эътиборан яқка тартибдаги дарслар гуруҳ дарсларига айлантирилиб, негадир “Мақом асослари” фани ўқув режадан чиқиб кетди. Бугунга келиб, мақомлар тарихи ва назарияси, чолғу ва ашула йўлларига оид асарларни ўрганиш “Мусиқа таълими” йўналишида олиб борилаётган бир қатор фанлар таркибида (“Чолғу ижрочилиги”, “Анъанавий хонандалик”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Мусиқа тарихи”) сочилган ҳолда назарий, амалий, лаборатория ва мустақил таълим соатларида ўргатилиб келинмоқда. Ушбу фанларнинг ўқув дастурларини таҳлил қилганда шу жиҳатга эътиборни қаратиш лозимки, мақомлар тарихи ва назарияси, Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг ўхшашлик ва фарқ қилувчи жиҳатлари, намудлар, ашула ва чолғу куйларини ўргатишга

қаратилган мавзулар тўлалигича ўз аксини топмаган, жумладан “Чолғу ижрочилиги” фанининг ишчи дастури 1, 2 ва 3-курсларга мўлжалланган бўлиб, унда соатлар куйидагича акс этади (1-жадвал):

**1-жадвал**

Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр					
		I	II	III	IV	V	VI
Лаборатория	236	38	38	38	30	36	56
Мустақил таълим	167	28	28	28	27	22	34
Жами аудитория соатлари:	236	38	38	38	30	36	56
<b>Умумий ўқув соати:</b>	<b>404</b>	<b>66</b>	<b>66</b>	<b>66</b>	<b>57</b>	<b>58</b>	<b>91</b>

Ушбу жадвалда ўқув фанининг курслар кесимидаги машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар миқдорининг умумий кўриниши ифодаланди (2-жадвал):

**2-жадвал**

№	I-курс		II-курс		III-курс	
	Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар		Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар		Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар	
1	“Яллама-ёрим” (М.Мирзаев)	2	“Шуҳи жаноним менинг” (Ж.Султонов)	2	“Шуҳи жаноним менинг”	2
2	“Дўлонча” (Ўзбек халқ куйи)	4	“Елпассаланди” (Қорақалпоқ халқ куйи)	4	“Елпассаланди” (Қорақалпоқ халқ куйи)	2
3	“Қари наво” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Насри сеғоҳ” (Мушкилот қисмидан)	4	“Насри сеғоҳ” (Мушкилотдан)	4
4	“Қашқарча” (Ўзбек халқ куйи)	4	“Мухаммаси баёт” (Наво мақомидан)	4	“Мухаммаси баёт” (Наво мақомидан)	4
5	Янги тановар (М.Мирзаев)	2	Завқим келур (М.Мирзаев)	4	Завқим келур (М.Мирзаев)	4
6	“Баҳор вальси” (М.Мирзаев)	4	“Баҳор вальси” (М.Мирзаев)	4	“Баҳор вальси” (М.Мирзаев)	4
7	“Норим-норим” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Дилхирож” (Ўзбек халқ куйи)	4	“Дилхирож” (Ўзбек халқ куйи)	4
8	“Тилос” (Н.Хасанов мус., А.Одилов қ.и.)	4	Прелюдия ва фугалар (Н.Порпора)	2	Прелюдия ва фугалар (Н.Порпора)	2
9	“Шароб-I” (Ўзбек халқ куйи)	2	Прелюдия ва фугалар (Н.Порпора)	2	Прелюдия ва фугалар (Н.Порпора)	2
10	“Жонон” (М.Мирзаев мусиқаси)	4	“Ўзганча” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Ўзганча” (Ўзбек халқ куйи)	2
11	“Дилхирож”	2	“Ўзганча”	2	“Ўзганча”	2

	(Ўзбек халқ куйи)		(Ўзбек халқ куйи)		(Ўзбек халқ куйи)	
12	Кўнгил гулдастаси (Ш.Рахимов қ. и.)	4	“Пешрав” (Хоразм “Дугоҳ” мақомидан)	2	“Пешрав” (Хоразм “Дугоҳ” мақомидан)	2
13	“Қаротегиний” (Т.Қурбонов қ.и.)	2	“Пешрав” (Хоразм “Дугоҳ” мақомидан)	2	“Пешрав” (Хоразм “Дугоҳ” мақомидан)	2
	<b>Жами I-семестр</b>	<b>3 8</b>	<b>III-семестр</b>	<b>3 8</b>	<b>V-семестр</b>	<b>3 6</b>
14	“Андижон полькаси” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Норим-норим” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Норим-норим” (Ўзбек халқ куйи)	4
15	“Отуш” (Уйғур халқ рақси)	4	“Фарғонача” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Фарғонача” (Ўзбек халқ куйи)	4
16	“Оҳангарон” (М.Левиев мусиқаси)	2	“Мўғулчаи наво” (“Наво” мақомидан)	2	“Мўғулчаи наво” (“Наво” мақомидан)	4
17	“Ғайратли қиз” (М.Левиев мусиқаси)	4	“Дутор баёти”	2	“Дутор баёти”	4
18	“Завқим келур” (М.Мирзаев мусиқаси)	2	“Усмония” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Усмония” (Ўзбек халқ куйи)	4
19	“Интизор этма” (М.Мирзаев мусиқаси)	4	“Алиқамбар” (Ўзбек халқ куйи)	4	“Алиқамбар” (Ўзбек халқ куйи)	4
20	“Кувноқ куй” (П.Холиқов мусиқаси)	2	“Соқиномаи савти калон” (“Рост” мақомидан)	4	“Соқиномаи савти калон”	6
21	“Май” (Ғ.Қодиров мусиқаси)	4	“Хуррам” (А.Бобохонов мусиқаси)	2	“Хуррам” (А.Бобохонов мус.)	6
22	“Оқ теракми кўк терақ” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Гулжамол” (Ғ. Тошматов мусиқаси)	2	“Гулжамол” (Ғ. Тошматов мус.)	4
23	“Кулча нон” (И.Ҳамроев)	4	“Тановар-II” (Д.Зокиров қайта ишлаган)	2	“Тановар-II” (Д.Зокиров қайта ишлаган)	4
24	“Пахтаой” (Ф.Назаров мусиқаси)	2	“Роҳат” (А.Мухамедов қайта ишлаган)	2	“Роҳат” (А.Мухамедов қайта ишлаган)	4
25	Сўзсиз кўшиқ- Азизахон (С.Жалилов мусиқаси)	4	“Эй гул” (М.Мирзаев мусиқаси)	2	“Эй гул” (М.Мирзаев мусиқаси)	4
26	“Отмағай тонг” (Т.Жалилов мусиқаси)	2	“Гулбаҳор ва тановар” (Ўзбек халқ куйи)	2	“Гулбаҳор ва тановар” (Ўзбек халқ куйи)	4
	<b>Жами II-семестр</b>	<b>3 8</b>	<b>IV-семестр</b>	<b>3 0</b>	<b>VI-семестр</b>	<b>5 6</b>
	<b>Жами:</b>	<b>7 6</b>	<b>Жами:</b>	<b>6 8</b>	<b>Жами:</b>	<b>9 2</b>

Жадвалдан кўриниб турганидек, чолғу асарларидан айнан мақомлар туркумига кирувчи куйлар жуда ҳам озчиликни ташкил этади. Мустақил таълим соатлари учун белгиланган асарлар лаборатория машғулоти билан айнан бир хилда бўлганлиги сабабли ушбу дарс тури жадвалини кўриб ўтмадик. I ва II курсда, айниқса II ва III курсда олиб бориладиган машғулот мавзуларига эътибор қаратадиган бўлсак, иккала курсда ҳам, баъзан учта курсда ҳам айнан бир хилдаги асарлар берилган. Олий педагогика ўқув юртида “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фани доирасида, иккала курсда ҳам айнан бир хилдаги асарлар икки йил мобайнида такрор ва такрор ўтилгани ҳолда мақомларнинг чолғу туркумига кирадиган асарлардан санокли асарларнинг киритилишини ижобий баҳолаб бўлмайди. [5.] Бизнингча, III курсда мақомларнинг чолғу туркумига кирувчи Бузрук мақомидан Таснифи бузрук, Мухаммаси Насруллои, Сақили султон; Рост мақомидан Гардуни рост, Сақили вазмин, Сақили раг-раг; Наво мақомидан Таржеи наво, Гардуни наво, Нағмаи ораз; Дугоҳ мақомидан Пешрави дугоҳ, Самои дугоҳ, Мухаммаси Ҳожи Хўжа, Сақили Ашқулло; Сегоҳ мақомидан Ҳафифи сегоҳ, Гардуни сегоҳ, Мухаммаси ажам; Ироқ мақомидан Мухаммаси ироқ, Сақили аввал, Сақили калон асарларининг киритилиши шарт эди.

Олий педагогика ўқув юртларининг “Муסיқа таълими” йўналишида ўқув режасидаги “Ўзбек халқ муסיқа ижоди” фани таҳлилига тўхталиб ўтсак (3-жадвал):

### 3-жадвал

№	Машғулоти тури	Ажратилган соат	Семестр				
			III	IV	V	VI	VII
1	Маъруза	98	24	24	10	16	24
2	Амалий	92	20	22	14	18	18
3	Семинар	96	26	20	14	18	18
4	Мустақил таълим	244	69	69	28	28	50

5	Жами аудитория соати	286	70	66	38	52	60
	<b>Умумий ўқув соати</b>	<b>530</b>	<b>139</b>	<b>135</b>	<b>66</b>	<b>80</b>	<b>110</b>

Ўқув фанининг VI ва VII-семестрларида ўқитилиши режалаштирилган мавзуларда мақом асарлари маълум даражада ўрин олган (4-жадвал):

#### 4-жадвал

<b>VI-семестр</b>		
1	Анъана ва услуб. Ижрочилик мактаблари.	4
2	Ўзбек мумтоз мусиқасининг тарихий тараққиёти.	4
3	Мақом тушунчасининг тарифлари.	4
4	“Ўн икки мақом” тизими	
<b>Жами</b>		<b>16</b>
<b>VII-семестр</b>		
1.	<b>Мақомлар. Бухоро шашмақоми.</b>	4
2.	<b>Хоразм мақомлари</b>	8
3.	<b>Фарғона-Тошкент мақом туркумлари</b>	4
4.	<b>Анъанавий мусиқа ижрочилиги</b>	4
5.	Мустақиллик йилларида мумтоз мусиқа ривож	4
<b>Жами</b>		<b>24</b>

Шуниси маълумки, бу курсда мақомларга ҳар ҳолда нисбатан кенгроқ ўрин берилган. Амалий, семинар ва мустақил таълим учун ажратилган соатларда маъруза мавзуларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда ўзлаштириш режалаштирилган.

Ушбу фан талабаларнинг мақомларни ўрганишларига асос бўла олади, шу билан бирга ушбу таклифларни билдирган бўлар эдик:

- мақомларнинг ўзаро муносабатлари;
- мақомларни ўргатишда устоз-шогирд муносабатлари;
- мақомлар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар;
- мақомлар тарғиботи масалалари;

- maqomlarning tarkibiy tuzilishlari;
- maqomlarning qadimiy va zamonaviy ezuвлари;
- maqom asarlari asosida eшlarнинг ijodiy tafakkurini yuksaltirish masalalari;
- maqomlarni urgatiшda zamonaviy metod va texnologiyalarni uқuv jaraёnida uқllash masalasi;
- maqom шuьбаларининг ижролари;
- maqom ustozlari va ularning ижро услублари каби mavзулар берилиши maқсадга мувофиқ булар эди.

Шу билан бирга, рейтинг назоратларида талабалар maқом парчаларини турли чолғу asbobларида чалиб, куйлаб кўрсатиши ҳам назарда тутилади. Мустақил таълим машғулотларида режа asosida якка дарслар ташкил қилинади ва maқом asarlari urgатиб борилиши mazkur maқоладаги илмий муаммо echимига доир asoslarni etarлича таъминлашига шубҳа йуқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А. Фитрат. Ўзбек классик musikasi va унинг тарихи. – Т., 1993. 87 б.б.
2. Мамиров Қ. Халқ кўшикчилиги: Ўқув fan дастури. – Тошкент: ТДПУ, 1992. – Б. 4.
3. Мамиров Қ., Қодиров Д. Maқом asoslari: Ўқув fan дастури. – Тошкент: ТДПУ, 1992. – Б. 5.
4. Q. Ranjiyev. O'zbek xalq musiqi ijodi. – Т., 2020. 143 б.
5. Юлдошев, У. Ю. (2020). РОЛЬ АРТИКУЛЯЦИИ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЕ МАКОМА. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 87-89).
6. Юлдошев, У. Ю. (2019). Musika uқituvchisi mutaxassisligining zamonaviy modeli va professiogrammasi. Современное образование (Узбекистан), (9 (82)), 47-53.
7. Yuldoshev, U. (2023). EFFECTIVENESS OF SPIRITUAL AND ETHICAL EDUCATION OF STUDENTS THROUGH CULTURAL AND ARTISTIC EVENTS. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 3(12), 342-345.
8. Yuldoshev, U. (2018). Problems of Choosing Methods and Technologies in Musical Pedagogics. Eastern European Scientific Journal, (2).